

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz

2007 йил 16 ноябрь, № 227 (4380)

Жума

## КОРХОНА ҚУВВАТИ 10 БАРАВАР ОШДИ

Чирчиқ дарёсининг қуйи қисми — Чиноздаги «Чинозйўлиндурия» ишлаб чиқариш корхонасини мамлакатимиз йўлсозлари, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар жуда яхши билишади. Корхона ишлаб чиқараётган миллиард-миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари ички бозоримизни тўлдирмоқда.

Келинг, шу ўринда корхона тарихига бир назар ташлайлик. 2000-йилларнинг бошига келиб у бутунлай иккироз ботқоқга ботиб қолди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ўз харидорини топмай, оморларда туриб қола бошлади. Қарздорлик йилдан-йилга оша борди. Ойлик маошларнинг вақтида берилмаслиги туфайли ишчилар ҳам бошқа жойлардан иш излашга тушдилар. Бор-йўғи бир неча йил олдин бу ерга келганлар ускуналари ва дастохлари қантариб қўйилганлиги ва очик ҳавода қолиб кетгани боис бутун бошли катта корхона металломга айланиб қолибди-ку, деб ўйлаши табиий ҳол эди.

Бугун эса у қунар ўтмишга айланди. Ҳукуматимиз ғамхўрлиги ва маҳаллий ҳокимлик идораларининг, қолаверса, корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан «Чинозйўлиндурия» тубдан модернизация қилинди. Ишлаб чиқариш қувватлари бирин-кетин ишга туширилди. Ички талабни ўрганган ҳолда нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, балки уларнинг турини оширишга ҳам ҳаракат қилинди.


(Давоми 2-бетда).



Модернизация

### Олий Мажлис Сенатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлисида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.



### БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг бу йўналишдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида ҳамда 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар руҳида амалга ошириб келинаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати қўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг ахборотлари тингланди, шу аснода мазкур Қонун талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш

(Давоми 2-бетда).

### Ярмарка кундалиги

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва ташаббуси билан ушбу йўналиш тараққиётига қаратилган тегишли қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий асослар яратилди.

### МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, ҳеч муволага сиз айтиш мумкин, иқтисодий ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди ва жамиятда тадбиркорлик субъектларини қонуний ҳимоя қилишнинг бош мезолини айланди.

Республикамиз пойтахтида ўтказилган биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланганидан бўйб томонлар ўртасида жами 430,5 миллиард сўмлик 607 та шартнома имзоланди.

Рағбат бор жойда тараққиёт ва юксалиш бўлади. Айтайлик, мазкур тадбирда мамлакатимизнинг 220 дан зиёд энг илгор саноат корхоналари иштирок этган бўлса, улардан қарий 30 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этганлиги кини қувватларидан, кинга руҳур ва «Фоз» бешилмайдан дейсиз? Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлмачи ва эҳтиёт қимлар, ярим ва тайёр маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозорда ўзига хос маҳкамга эга, ахир!

(Давоми 2-бетда).

### 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ — САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ



Маълумки, бир неча кунлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг муҳим босқичи, яъни номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, барча номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Сайлов жараёни сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш, сайловни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, бевосита сайловолди ташвиқоти ҳам сайлов жараёнининг муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Сайловолди ташвиқоти, аввало, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоян қилишга, энг муҳими, сайловчиларни номзодларнинг дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ҳамда келгусидаги истиқболли режалари билан яқиндан таништиришга имконият беради. Бундан ташқари, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан, мамлакатимизда

ҳам президент, парламент ёки маҳаллий кенгашларга сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади. Сайловолди ташвиқотининг мақсади сайловда иштирок этувчи номзоднинг ҳокимиятга бўлган иштирокини, бу борадаги ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва маълум бир номзод учун овоз беришга тарғиб эпашдан иборатдир. Шунинг таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти номзодлар, сиёсий

партиялар ва ташаббускор гуруҳлар учун давлат ҳокимиятини шакллантириш йўлидаги ўзига хос сиёсий майдондир. Конституция ва сайлов қонунчилиги сиёсий курашнинг адолатли, холисона, очик ва ошқора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва қаролатларни яратиш орқали демократиянинг муҳим тамойилларидан бири бўлган сиёсий плюрализм, яъни фикрлар эркинлиги ва хилма-хиллиги асосида соғлом рақобатни таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

### Эҳтиёт-шарт!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 ноябрдаги Фармойишига биноан мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинди.

### Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Сир эмас, қуз-қуш мавсуми ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликлар нисбатан кўпаядиган пайт ҳисобланади. Бокис, йилнинг айни шу даврида — ҳаво совий бошлаган кунларда барча иситиш мосламалари ишга туширилади. Аммо ҳаммасининг ҳам яроқлилик даражаси рисоладагидек бўлавермайди, қолаверса, ҳамма ҳам улардан тўғри фойдалана олмайд.

Юртимизда анъанавий ўтказилиб келинаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»дан қўзланган асосий мақсад аҳоли тураржойлари ва иқтисодий тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир ҳушёрликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармойишида илоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса ва ташкилотлар объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, тоифаланган ва ўта муҳим объектларда эса ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ҳужжатда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва компаниялар ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар тузиши, режалаштирилган тадбирлар ижросини қатъий таъминлаш қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

Пахтакор туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Хонимой Қаршибоеваннинг вилоят маркази мактабларида уюштирган тарбиявий соати «Муаллима — эзгулик элчиси» кўрик-танлови ҳайъати томонидан юқори баҳоланган, унинг иш услуби барча ҳамкасблари ўртасида оммалаштириладиган бўлди.

### Муаллима ибрати

Вилоят халқ таълими тизимидagi муассасаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қиз ўқитувчиларнинг мазкур кўрик-танлови уч босқичда ўтказилди. Якуний босқичда қатнашган устозлар 6 та шарт бўйича беллашдилар. Ҳолиблар сафидан жой олган устозларнинг «Мустақиллик — бебаҳо неъмат», «Касбим — фахрим», «Таълимнинг жамият тараққиётига таъсири» каби иходий ишлари бугунги кунда вилоят ўқитувчилари учун ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилаяпти.


Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми

**114,2** фоизга ўсди.

Ўтган даврда тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва техник жаҳатдан жиҳозлаш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилиб, қўллаб қорғалар ишга туширилгани туфайли бир қанча янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш улаштирилди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Ятра-инвест» ҳамда Тошкент вилоятидаги «Голд-шиф» қўшма корхоналарида шифер, «Полисан Индастриал» қўшма корхонасида полипропилен қувурлар, Қорақалпоғистондаги «Қарақалпақверми» шўба корхонасида вермикулит тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, девор қурилишига мўлжалланган материалларни ишлаб чиқарувчи 33 та корхона иш бошлади. Натيجида аҳолининг ва қурилиш ташкилотларининг қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилди.

### МАМЛАКАТ бўйлаб



### Соғлом оила — миллат таянчи

«Бутунжаҳон қандли диабетга қарши кураш куни» муносабати билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда унинг Тошкент шаҳар Кенгаши биргаликда «Соғлом оила — миллат таянчи» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Партия дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган мазкур тадбирда инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётган қандли диабет хасталиги билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни кучайтиришга қўмақлаш, аҳоли саломатлигини асраш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини олиб борилаётган ислохотлар жараёнида партиянинг ўрни хусусида сўз юритилди.

Ш. ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қишда ҳам ёз неъмат

Ширин-шакар мева-чевалари билан ном қозongan яккабоғлик соҳибкорлар энди эл дастурхонини қиш фаслида ҳам помидор, бодрич каби сархил сабзавотлар билан безайдилар. Тумандаги «Мева-агро» масъулияти чекланган жамият жамоасининг фаолияти айнан шу мақсадга қаратилган. Ингирма киши меҳнат қилаётган мазкур жамиятнинг умумий ер майдони беш гектардан иборат. Шундан икки гектарда иссиқхона барпо этиляпти.

СУРАТДА: «Мева-агро» масъулияти чекланган жамияти ишчилари (чапдан) Фароғат Қўчқорова ва Мўятабар Худойкулова. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

### «Китоб байрами» чорлайди

Нодира номдаги Наманган вилоят ахборот-қутубхона марказида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Унда 300 дан ортиқ номдаги ўқув адабиётлари ҳамда шоир ва ёзувчиларнинг янги китоблари намойиш этилди. Халқ таълими ва касб-ҳунар муассасалари бир ой давом этадиган мазкур кўргазмадан ўрин олган адабиётни сотиб олиш учун наشريётлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишлари мумкин.

Мазкур тадбир доира-сида вилоят марказидagi педагогика коллежиде «Китоб байрами» ҳам ўтказилди. Унинг иштирокчилари ҳузурда «XX аср ўзбек шеърини антологияси» китобининг тақдими уюштирилди.

Қ. НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.




ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳарбийлар Ироқдан кетадими?

АҚШ Конгрессининг куйи палатаси мамлакат ҳарбий кучларини шу йилнинг 15 декабрига қадар Ироқдан олиб чиқиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди.

Лойиҳани Вакиллар палатасининг 218 аъзоси қўллаб-қувватлади. 203 конгрессмен эса унга қарши чиқди. Қонун лойиҳаси Оқ уйда жиддий норозилик уйғотди. Президент Жорж Буш Ироқдан кўшинларни олиб чиқишга қаратилган ҳар қандай ҳужжатга вето қўйишини яна бир бор таъкидлади.

Чилида зилзила



Чилида мамлакат пойтахти Сантьягодан 1260 километр узоқликда ер қимирлади. Зилзила марказида унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллни ташкил этди. Бу ҳақда «France Presse» агентлиги хабар тарқатди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлган. Антофагаста шаҳридаги қўлаб бинолар қулаб тушган. Калама ва Арика аҳоли пунктлари электр энергиясиз қолган.

Ер силкиниши қўшни Боливия, Аргентина, Гватемала ва Сальвадорда ҳам қайд этилди.

Қимматбаҳо «Хлоя»

Кеча Женевада ўтган Sotheby's кимошди савдосида 84,37 каратли ноёб олмос 16,2 миллион АҚШ долларига сотилди. Бу унинг ҳар бир карати баҳоси 191 минг 980 долларни ташкил этди дегани.



Олмосни кийим ишлаб чиқарувчи Guess Inc компанияси асосчиси Жорж Марчиано сотиб олди. Шу пайтга қадар бу олмоснинг номи йўқ эди. Марчиано уни 12 ёшли қизи шарофига «Хлоя» деб атади.

Темир йўлдаги ҳалокат

Индонезия пойтахти Жакартада поезд иккита автомобил билан тўқнашиб кетди. Бу ҳақда «РИА Новости» хабар тарқатди.

Поезд Жакартадан Бандунг шаҳрига кетаётган эди. Чорраҳада у йўлда турган икки автомобилни уриб юборди. Фалокат натижасида беш киши ҳалок бўлди. Икки нафар йўловчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

Ракета ускуналари етказиш тўхтатилди

Швейцария ҳукумати Покистонда ҳарбий ҳолат эълон қилиниши муносабати билан зенит ракетаси ускуналари етказиш беришни тўхтатди. Бу ҳақда Швейцария Федерал кенгаши вакили маълум қилди.

Ўтган йилнинг декабрида Федерал кенгаш расмий Исломободга умумий баҳоси 136 миллион швейцария франкилик (121 миллион долларлик) 21 та зенит ракетаси ускуналари сотиш ҳақидаги қарорни тасдиқлаган эди. «ИТАР-ТАСС» хабарига айтилишича, ускуналарнинг олти таси аллақачон Покистонга етказиб берилган.

Ҳуд суди болаларни ўйратиб қўлади. Франция фуқаросини гаров эвазига озодликка чиқариш ҳақидаги илтимосни рад этди.

Суд рад этди

Улар, ҳеч бўлмаганда, суд жараянига қадар қамқоқда сақланади.

Эслатиб ўтамиз, Франциянинг «Ковчег Зои» ташкилотининг ходимлари суданик етим болаларни Европада олиб кетиш баҳонасида чадлик ота-онаси тирик болаларни ўғирлаб кетаётган пайтда қўлга тушган эди. Шундан бунён улар қамқоқда сақланмоқда.

Бир йўла беш чақалоқ

The Daily Telegraph нашри муҳбирининг хабар беришича, Оксфорддаги туғруқхоналардан бирида россиялик 29 ёшли мусликка ўқувчиси бир йўла беш нафар фарзандли бўлган. Чақалоқларнинг ҳаммаси киз.

Ҳабарда айтилишича, россиялик тиббиётчилар онага туғиш вақти келгунга қадар фарзандларнинг бир нечасини олдириб ташлашни маслаҳат беришган. У шу мақсадда Оксфордга келган. Лекин ҳамма гўдаклар соғсаломат дунёга келди.



Банкларнинг барқарор фаолият юритиши иқтисодиётнинг ривожига ва аҳоли фаровонлигига учун катта қулайликлар яратмоқда. Натижада, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб шаксий эҳтиёжларидан олган, вақтинча бўш маблағларини банкларда сақлашга одатланди. Бу уларга, аввало, омонатига тўланадиган фоизлар эвазига қўшимча даромад топиб, сармоясини янада кўпайтириш имкониятини берган бўлса, иккинчидан, уни ишончли банкларда

сақлашни ўрганди. Бўш маблағларни иккиланмасдан омонатга қўядиганлар, мақсадли кредит сўраб банкларга мурожаат қиладиганлар, бошқача айтганда, молия муассасаларини ўзларининг ишончли ҳамқори ва мададкори сифатида қарайдиганлар сафи кенгайди. Буларнинг барчаси эл-юртимизнинг гуллаб-яшнашига, халқимизнинг турмуш фаровонлигига янада яхшилинишига хизмат қила бошлади.

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ АСОСИ

Давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент вилояти филиалларида кейинги йилларда кўрсатилаётган хизматлар тури кўпайиб, сифати анча яхшиланди. Ҳозир банкнинг 46 та туман (шаҳар) филиали ва мини банклари 3500 га яқин хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда 1600 та хусусий тадбиркор ва 1500 та деҳқон ва фермер хўжалиқларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Қўшимча равишда банкнинг 200 га яқин шохбча ва махсус кассалари аҳоли учун қулай ҳолларда фаолият юритмоқда. Амалиёт осонлаштирилган мақсадли тадбирлар натижасида аҳолининг банк депозитларидаги муддатли омонатлари қолдиғи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда банк муассасаларидаги жами омонат қолдигининг 60 фоиздан ортиғи муддатли ва жамғарилувчи депозитлар улушига тўғри келмоқда. Бундай натижаларга эришишда омонатчиларга қулай ва манфаатли шартларда «Ташаккур», «Маҳалла фидойилари», «Матонат», «Самара», «Имкон», «Ташаббус-1», «Даромад плюс», «Шодлик», «Афзал», «Мададкор» сингари йигирмага яқин омонат турлари тақлиф қилинган муҳим ўрин тутмоқда.

Миллион сўмлик аъло навли маҳсулот етказиб берди. Вилоят филиалининг амалиёт бўлими мижози «Милк агро» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредит наслини чорва молларини хориждан олиб кириш ва сифатли гўшт-сўт маҳсулотлари етиштиришга замин яратди. Қўшимча 25 киши иш билан таъминланди. Мазкур банк филиали томонидан «Фуркат» хусусий корхонасига берилган сармоя эса пойтахтимиз аҳолисига йил давомида сабзавот ва полиз

миллион сўмлик аъло навли маҳсулот етказиб берди. Вилоят филиалининг амалиёт бўлими мижози «Милк агро» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредит наслини чорва молларини хориждан олиб кириш ва сифатли гўшт-сўт маҳсулотлари етиштиришга замин яратди. Қўшимча 25 киши иш билан таъминланди. Мазкур банк филиали томонидан «Фуркат» хусусий корхонасига берилган сармоя эса пойтахтимиз аҳолисига йил давомида сабзавот ва полиз



Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун жорий йилда банк филиаллари жисмоний шахсларга 1,3 млрд. сўмга яқин истеъмол кредитини ажратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 млрд. сўм маблағ имтиёзли шартлар асосида ажратилди. Бунинг махсули сифатида қўлаб корхоналар ўзининг молиявий аҳолини мустаҳкамлаб олиб, сифатли, харидорғир ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Масалан, банкнинг Чирчиқ филиали мижози «Хамкор дон савдо» хусусий корхонасини олайлик. У банкдан олган кредити эвазига илғор технологиялар асосида фаолият юритаётган цех барпо этди. Янги 15 та иш ўрнини яратди ва қисқа фурсат ичида истеъмолчиларга 15

Банк тизими

маҳсулотлари етказиб бериш ва ўн олти кишилик жамоа шаклланишига туртки бўлди. Бундай илиқ фикрларни банк билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, бугунги кунда кийим-кечак тикишни ўзлаштириб олган «Хайитова Феруза» хусусий корхонаси, қурилиш ашёлари ишлаб чиқараётган «Глазур плюс», паррандачилик билан шуғулланаётган «Саодат камолот сари» масъулияти чекланган жамиятига ўхшаш кўп тадбиркорлик субъектлари шаънига ҳам айтиш мумкин. Халқ банкининг Тошкент вилояти филиаллари томонидан галла ва пахта етиштирувчи 1500 га яқин фермер хўжалиқларига 8,1 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, янги ташкил этилган фермер хўжалиқларига 37 та ҳайдов, 47 та тиркама, 16 та

Фаргона

Нефтчилар тўхтаси

Марказий Фаргона чўлининг марказида жойлашган Янги бўстон қишлоғи Езёвон туманининг чекка кентларидан. Гап шундаки, бу ерда коммуникация объектларини бунёд этиш бутунлай эътибордан қолган эди.

Яқинда Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонаси раҳбарияти қишлоқ шароитини ўрганиб чиққан ҳолда чўлқуварларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ижтимоий объектларни таъмирлаш, янгидан бунёд этиш ишларини оталиққа олишга қарор қилди. Қисқа вақт ичида нуроб қолган врачлик пункти қайтадан таъмирланди. Асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 33-мактаб тўлиқ таъмирлаб берилди. Энг муҳими, қишлоққа ичимлик суви қувурлари тортилди. Қуни кеча қишлоқда бунёд этилган маданият-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш тантаналари бўлиб ўтди. Шу тантаналарда қишлоқдаги бошқа ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилиш учун корхона томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилган янгибўстонликларни хушнуд этди.

Кунини кеча қишлоқда бунёд этилган маданият-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш тантаналари бўлиб ўтди. Шу тантаналарда қишлоқдаги бошқа ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилиш учун корхона томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилган янгибўстонликларни хушнуд этди.

Меҳмонлар ҳайрати

Яқинда қўшни Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан бир гуруҳ меҳмонлар ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлаган Марғиён шаҳрига зияратга келишди.

Меҳмонлар Пурсиддик хилқати, Бурхониддин Марғиёний чиллаxonаси, Ёшлар мажмуаси, Увайсий уй-музейида бўлиб, хайратларини яшира олишмади.

— Шаҳарда бундан уч-тўрт йил аввал бўлган киши бугун унинг қиёфасини таний олмайди. Ипакчилар шаҳри деярли қайтадан бунёд этилди, — дейди Ўш шаҳрилик ўқитувчи Саодатхон Топқодиева. — Шаҳар юбилей тантаналарини телевизор орқали томона қилган эдик. Аммо ўз кўзинг билан кўрганинг бошқа экан.

Набижон СОВИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уйда жойлашган

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Table with 6 columns: Кўчмас мулк номи, Бошланғич нархи (сўм), Тавсифи, Суд ижрочилари, Ижро варақаси №, Сақланаётган манзили

Аукцион савдолари 2007 йил 29 ноябрь ҳамда 6. 13, 20, 27 декабрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: ДВ 001 №000004.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

Ўз мижозларига шуни маълум қиладик, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабргача бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2007 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХМ ДК кредитдор қарзлари 2008 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz

Сервер: PY ECO200S2A XEON DP 6050 2 x 250G 2X 1GB ECC DVD-RW DL

LCD Мониторлар: SCENICVIEW A17-2 SCENICVIEW E19-6 Кафолат — 3 йил

Ноутбуклар: FUJITSU SIEMENS COMPUTERS Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори. Кафолат — 2 йил

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ (Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, кишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

МАДАНИЯТ  
хабарлари

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма ва мусика театри репертуарида турли мавзулардаги 20 га яқин спектакль бор.

ТЕАТР  
ТОРТИФИ

Улар орасида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик туйи-га тўғна сифатида тақдир этилган «Буюк Темур» асарининг аҳамияти ўзгача.

Мақжур спектакл Льюсен Кареннинг «Буюк Темур», Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Мақсуд Шайхзада-нинг «Мирзо Улугбек», Хуршид Давроннинг «Самарқанд хавли» асарлари асосида сахналаштирилди. Бунинг учун Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Салимов муаллиф ва режиссёр сифатида театр санъатининг турфа жанрларидан унумли фойдаланди.

Абдураул САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ РАССОМ  
КЎРГАЗМАСИ

Бухоро вилоят Санъат музейида ёш рассом Эркин Жураев асарлари кўрғазмаси бошланди. Муаллифнинг ватан тисоллари, табиат манзаралари, қадимий ўрф-одатларимизни тараннум этувчи 60 дан зиёд энг сара асарларидан иборат ушбу кўрғазма барчада, айниқса, талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мухтарсон КАРИМОВА.

МАВЗУ:

СОҒЛОМ  
ТУРМУШ ТАРЗИ

Жиззах вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларида иншо ва расмлар танлови ўтказилди.

Қўзлар ва ўсимир йигитларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар қандай касалликка чалинишни олдини олиш мумкинлиги ҳақидаги билимлари акс этган иншолар орасидан Жиззах енгил санъат касб-хунар коллежи талабаси Рузвонгул Саидова, педагогика коллежи талабаси Гўзал Воҳидова, Зарбдор туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Камола Очиловларнинг ижодий ишлари юқори баҳоланди. Ёш рассомлар танловида эса Жиззах санъат коллежи талабалари Наргиза Файзиёва, Муҳайё Қўшбоқова, Уктам Умаровлар голиб деб топилди.


Баҳриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Балли, Артур!

Владикавказда эркин кураш бўйича икки қарра Олимпиада чемпиони Сослан Андиев соврини учун йирик халқро турнир ўтказилди.

Мусобақада Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан келган 300 нафарга яқин полвонлар голиблик учун курашди. Аҳамиятлиси, энг оғир вазни курашчилар ўртасидаги беллашувларда юртдошимиз Артур Таймазов барча рақибларини курагини ерга текизиб, шохсупадан жой олди.



Испаниянинг Викториа-Гастейс шаҳрида шахмат бўйича дунёнинг олти нафар кучли гроссмейстери ўртасида ўтказилган «Чемпионлар турнири» якунланди.

«Чемпионлар  
турнири» якунланди

Мусобақа голиби ўн тур ўйинлар (икки даврли) натижалари-га кура аниқланди. Якунда 7 очко жамғарган болгариялик шахматчи Веселин Топалов голиб чиқди. Нуфузли мусобақанинг биринчи даврасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов анча муваффақиятсиз иштирок этиб, 1 очко билан кифойланган эди. Иккинчи даврада эса 3,5 очко тўплаб, умумий оқшоларини 4,5 тага етказиб олди. Шунингдек, Руслан Пономарёв (Украина) 5,5, Ливи-Дитер Нисиян (Руминия) 5, Юдит Полгар (Венгрия) 5, Анатолий Карпов (Россия) эса 3 очко йиғишга муваффақ бўлишди.

Ўзбекистон чорак финалда



Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногиронлар ўртасида навбатдаги еттинчи жаҳон чемпионати ўйинлари давом этмоқда.

Унда 12 та жамоа, 2 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритмоқда. Гуруҳларда 4 тадан жамоа чорак финалга йўл олади. «В» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи турда Бразилияни (4:2) мағлубиятга уратган эди. UFF матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, ҳамюртларимиз иккинчи турда Африка қитъаси вакили Сьерра-Леоне футболчилари устидан 3:0 ҳисобида зафар кўчиб, мuddатидан олдин чорак финал йўланмасини қўлга киритишди. Иккинчи турнинг қолган учрашувлари куйидаги натижалар билан тугади: Бразилия — Эрон 3:0, Украина — Нигерия 3:0. Футболчиларимиз кеча учинчи турда Эрон терма жамоасига қарши майдонга тушдилар.

Иккинчи турдан сўнг гуруҳдаги вазият куйидагича кўриниш олган:

	У	Д	М	Т	Н	О
Ўзбекистон	2	2	0	0	7-2	6
Украина	2	2	0	0	5-1	6
Бразилия	2	1	0	1	5-4	3
Эрон	1	0	0	1	0-3	0
Нигерия	1	0	0	1	0-3	0
Сьерра-Леоне	2	0	0	2	1-5	0

З. ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди  
ахборотномаси»га 2008 йил учун  
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари;
- ҳўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва республика ҳўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳўқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, тахририят орқали арзонлаштирилган нарҳда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.

Минск автомобиль заводининг  
Ўзбекистондаги расмий вакили  
«ADVENT EURASIA» ҚҚ

«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.



Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохбасида рўйхатга олинад ва техник хизмат кўрсатилади.

Кафолат муддати — 3 йил.

Тел./факс: 134-10-97,  
Телефонлари 134-19-63, 339-50-83,  
Манзилимиз Тошкент ш. В. Мавлонов к.,  
3-«А» уй, 1-қават, 413-хона,  
Мўлжал — «Олдус» фабрикаси.

Российский  
Обои линолеум  
виниловы

тел. 134-48-11  
факс 134-49-58  
Форма оплаты — любая  
Товар сертифицирован

МЕҲНАТ ВА АХОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича  
ҳўжалик ҳисобидаги Тошкент минтақавий бюроси  
Россия Федерациясида шартнома асосида  
ишлаш истагида бўлган фуқаролар эътиборига!

- гишт терувчи;
- бўёқчи-сувоқчи-гипскартончи.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 20 дан 50 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси 3 йилдан кам бўлмаганлар;
- рус тилини билишлари шарт.

Зарурий ҳужжатлар:

- паспорт (асли) ва барча бетлари нусхаси 6 та;
- ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси 1 та;
- сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимининг тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси 2 та;
- меҳнат дафтари (асли) ва барча бетлари нусхаси 2 та;
- 3x4 ҳажмидаги фотосурат 6 та;
- конверт ва ҳужжатлар папкаси.

Меҳнат дафтари ва диплом ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бўлиши лозим.

Иш ҳақи ишбай бўлганлиги сабабли энг қўп иш ҳақи белгиланмаган.  
Гишт терувчи — 1 м<sup>2</sup> учун 900 рубл.  
Бўёқчи-сувоқчи-гипскартончи — 1 м<sup>2</sup> учун 80 рублдан 160 рублгача.

Турар жой иш берувчи ҳисобидан (иссик-сувоқ сув, душ, ошхона, 1 маҳал бепул овқат, тушлик ва кечки овқат харажатлари ишчи ойлик маошидан олиб қолиш шарт) билан 100 рубл миқдорда кунбай бериб борилади, махсус кийим ва асбоб-ускуналар билан иш берувчи таъминлайди.

Ҳужжат ва аризалар куйидаги манзилда қабул қилинади:  
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона,  
Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида.  
Маълумот учун телефонлар: 234-44-13, 227-08-78, 227-08-79.

Газ уягуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи  
ташкilotлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК)  
МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ  
ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган. Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м<sup>3</sup>, 250 м<sup>3</sup>, 400 м<sup>3</sup>, 650 м<sup>3</sup>, 1000 м<sup>3</sup>, 1600 м<sup>3</sup> гача ва ундан ортиқ. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган  
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ,  
ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК  
РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчачиқлари.  
Ўлчаш диапазонлари:  
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м<sup>3</sup> дан 25 м<sup>3</sup> гача);  
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м<sup>3</sup> дан 40 м<sup>3</sup> гача);  
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м<sup>3</sup> дан 6 м<sup>3</sup> гача);  
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м<sup>3</sup> дан 10 м<sup>3</sup> гача);  
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м<sup>3</sup> дан 16 м<sup>3</sup> гача).  
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.  
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.  
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.  
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

HYUNDAI АВТОМАРКАЗИ ОЧИЛГАНИНИНГ 1 ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН DONGNAMUZ-MOTORS КОМПАНИЯСИ  
19-24 НОЯБРЬ КУНЛАРИ  
ХИЗМАТ КўРСАТИШ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ.

МАШИНАЛАРГА БЕПУЛ  
ТАШХИС ҚўЙИШ, ТАЪМИРЛАШГА  
ЧЕГИРМАЛАР, HYUNDAI  
АВТОМАШИНАЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИ БЕПУЛ  
ЎРГАТИШИ!!!

ХИЗМАТНИ ЖАНУБИЙ  
КОРЕЯДА ТАЖРИБА  
ОРТИРГАН МУТАХАССИСЛАР  
БАЖАРАДИ.

ХИЗМАТГА ЁЗИЛИШ 5 НОЯБРДАН  
Куйидаги ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ  
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:  
+998 71 250-11-11,  
+998 71 250-69-99.

**HYUNDAI!!! ЎЗ ЙўЛИНГНИ ЎЗИНГ ТАНЛА!!!**

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги  
омборхонадан  
Ульяновск автозаводида  
ишлаб чиқарилган  
енгил ва юк автомо-  
билларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун  
махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Шунингдек, фургон УАЗ-3741,  
юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909,  
4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206,  
санитар автомашинаси УАЗ-3962  
автомобилларини етказиб беришга  
буюртмалар қабул қилинади.

Харидорлар диққатига!  
Автомобилларни лизингга, кредитга  
олиш бўйича акциядорлик тижорат  
«Хамкорбанк»нинг барча филиалларига  
муножабат қилишингиз мумкин!  
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

УАЗ Patriot Classic  
УАЗ Patriot Limited

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхала босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жампед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов. Навбатчи — Қ. Хайриров. Мухассаҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.35